**ТАСДИҚЛАЙМАН:**
**«Қизилқум фосфорит комплекси» МЧЖ**
**Бош директори**

**Р.Н.Салиев**

**“ 12” декабрь 2025й.**

**2025-йил давомида “Қизилқум фосфорит комплекси МЧЖда монополияга қарши комплаенс тизими фаолиятига оид амалга оширилган ишлар юзасидан**

**ҲИСОБОТ**

| Т\р | Белгиланган вазифалар | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|
| 1 | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш ва мазкур соҳадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида 2026-йилга мўлжалланган "йўл харитаси" ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги. | 2026-йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган ва 10.12.2025й. куни корхона Бош директори томонидан тасдиқланган *(илова қилинади)*. |
| 2 | Ташкилот фаолиятига оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки ички ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ички монополияга қарши комплаенс бўлинмаси (масъул ходими) билан мажбурий тартибда келишиш тартиби жорий этилганлиги. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки ички ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ички монополияга қарши комплаенс масъул ходими билан келишиш тартиби 2024 йил 14 март куни 140-сонли буйруқ билан жорий этилган. |
| 3 | Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги. | Хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилган, улар:<br>— (79) 222-00-57 (ички 85-30) ишонч телефон рақами;<br>— Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги, айнан телеграм каналидаги расмий сайти;<br>— тўғридан-тўғри Комплаенс хизматининг:<br>+ 998 (88) 795-62-00,<br>+ 998 (93) 953-29-93, телефон рақалари;<br>— kfk6200@gmail.com электрон почта;<br>ҳамда телеграм саҳифалари. |

| | | |
|---|---|---|
| | | “Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖнинг веб-сайтида яратилган “Монополияга қарши комплаенс” саҳифасига **fosforit.uz** ҳавола орқали кириш мумкин. |
| 4 | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари олди олинганлиги. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланмаган.<br>“ҚФК” МЧЖ фосфорит концентратинигина ишлаб чиқарадиган корхона бўлиб, унинг маҳсулоти ўзи учун тайёр, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари учун эса ярим маҳсулот ҳисобланади. Бундай ҳолатда рақобатни чеклаш фактларининг эҳтимоли жуда паст. |
| 5 | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги ва уларни тартибга солиш бўйича чоралар кўрилганлиги. | Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Навоий вилояти худудий бошқармаси махсус комиссияси томонидан “ҚФК” МЧЖда “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 29-моддаси 2-қисми 2-хатбоши, 4-қисми 6-7-хатбоши талаблари бузилганлиги ҳолатлари 25120012411053-лот, 24120012383092-лот, 25120012412195-лот рақамли танлов савдоларида бузилганлиги аниқланган.<br>Шу қонуннинг 42-моддаси биринчи қисми 5-бандига асосан танлов савдоларининг умумий бошланғич 1 968 003 760 сўм нархининг 3 фоизи миқдорида, яъни 59 040 113 сўм жарима “ҚФК” МЧЖ томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ягона ғазна шахсий ҳисоб варағига ихтиёрий равишда тўлаб берилди.<br>Мазкур ҳолатга йўл қўйган мансабдор ва моддий жавобгар шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. |
| 6 | Ташкилот фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши мумкин бўлган соҳаларни хавфлар таснифи асосида даражаларга бўлинганлиги. | “ҚФК” МЧЖ ишлаб чиқариш жараёнлари кесимида рақобатни чеклаши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарлар *(рисклар)* ва уларни назорат қилиш ХАРИТАСИ ишлаб чиқилган ва директор томонидан 2024 йил 25 июль куни тасдиқланган *(илова қилинади)*. Ўзгаришлар бўлгани йўқ. |
| 7 | Ташкилот фаолиятига оид ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички ҳужжатларнинг лойиҳалари ўрганилганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар (ҳолатлар) аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги. | Ташкилот фаолиятига оид ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички ҳужжатларнинг лойиҳалари мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда, аммо рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар *(ҳолатлар)* айни пайтга қадар аниқланмаган. |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, амалдаги ички идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги. | Амалдаги ички идоравий ҳужжатлар юридик бюро бошлиғи билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўрганиб борилади, уларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид нормалар *(ҳолатлар)* аниқланмаган, шу боис ҳужжатларга ўзгартириш киритиш зарурати мавжудлиги топилмаган, таклифлар берилмаган. |
| 9 | Ташкилот ходимларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги. | “ҚФК” МЧЖ раҳбарияти, цехлари, бўлимлари бошлиқлари Рақобат тўғрисидаги қонун, Монополияга қарши комплаенс, Инсофсиз рақобатни аниқлаш методикаси, НҲҲ лойиҳаларини рақобатга таъсирини баҳолаш, Картел келишувлар, Давлат харидлари, Биржа иштиркчиларининг мажбуриятлари, Биржа савдоларида манипуляция ҳаракатлари, Биржа савдоларини ўтказиш тартиби, Рақамли платформа ва Устун мавқени аниқлаш борасидаги слайдлар билан батафсил таништирилган. Мазкур қонун, қонуности ҳужжатлари ва НҲҲ “ҚФК” МЧЖнинг веб-сайтида яратилган “Монополияга қарши комплаенс” саҳифасига жойлаштирилган, сайтга **fosforit.uz** ҳавола орқали кириш мумкин. |
| 10 | Ташкилот ходимларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан қай даражада хабардорлигини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда тест синовлари ўтказилганлиги. | Тест синовлари ўтказилмаган. |
| 11 | Ташкилот раҳбари, уларнинг ўринбосарлари ва масъул ходимлари томонидан монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар. | Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар қилинмаган, чунки “ҚФК” МЧЖ фосфорит концентратинигина ишлаб чиқарадиган корхона бўлиб, унинг маҳсулоти ўзи учун тайёр, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари учун эса ярим маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун маҳсулотнинг асосий қисми “Аммофос-Максам” АЖга етказилади. Бундай ҳолатда рақобатни чеклаш фактларининг эҳтимоли жуда паст. |

Иловалар: матн бўйича, 2та, жами 9 варақда *(17 бет)*.

**“Қизилқум фосфорит комплекси” МЧЖда**
**Монополияга қарши комплаенс тизими**
**бўйича ваколатли шахс** **И.Ж.Нуримов**

12.12.2025й